

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 19 май, № 102 (8445) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи 18 май куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан икки томонлама музокаралардан бошланди.**





Учрашув икки мамлакат делегациялари иштирокида Сиань шаҳридаги “Шэньси” қароргоҳида ўтди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин дастлаб давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, мамлакатимизда Конституцияни янгилаш бўйича умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтказилгани билан дилдан табриклади ва Ўзбекистонда бўлажак Президент сайловида катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, ўз навбатида, Хитойга давлат ташрифи билан келиш таклифи ва кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди. Хитой раҳбарини муҳим сиёсий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани ҳамда олий давлат лавозимларига қайта сайлангани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларининг янги даврида долзарб бўлган масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани, барча даражалардаги ўзаро алоқалар жадал тус олгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб бораётгани ва муҳим масалаларда томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Камбағалликни қисқартириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнес, инфратузилмани модернизация қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва профессионал таълим соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда самарали тажриба алмашиш ва муҳим чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари батафсил кўриб чиқилди. Бу, энг аввало, замонавий саноат қувватларини барпо этиш, инвестициявий ва юқори технологик корхоналарни ташкил этиш борасидаги қўшма лойиҳаларни назарда тутади.

Куни кеча ўтказилган бизнес-форум якунида умумий қиймати 25 миллиард долларлик истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди ва келишувларга эришилди.

Муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича қуёш, шамол ва сув электр станцияларини барпо этиш, қуёш панеллари, электр ускуналар, трансформаторлар, аккумуляторлар ишлаб чиқариш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва мутахассисларни тайёрлаш борасидаги лойиҳалардан иборат инвестициявий-технологик ҳамкорлик дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Янги авлод автомобилларини ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперацияни кенгайтириш — электр ва гибрид автотранспорт воситаларини йиғиш бўйича замонавий заводларни ишга тушириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Турдош тармоқлардаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, мис, литий, нодир металларни чуқур қайта ишлаш асосида электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юқори технологик кластерни барпо этиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, пластмассалар, кимёвий маҳсулотлар, металл буюмлар, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, биотехнологиялар кластерини ташкил этишда ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришдан мамлакатларимиз манфаатдор экани таъкидланди.

Хитойнинг етакчи банклари ва “Ипак йўли” фонди, шунингдек, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан самарали молиявий-техник ҳамкорликнинг бугунги даражаси юксак баҳоланди.

Икки мамлакат ҳудудларининг ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, шу жумладан, Сирдарё вилоятини “Илғор технологиялар ҳудуди”га айлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаол мулоқотлар ва авиақатновлар қайта тикланишини ҳисобга олиб жорий йилда Ўзбекистонда икки мамлакат шаҳар ва ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш масаласи ўрганилади.

Кейинги йилларда икки бараварга кўпайган ўзаро товар айирбошлашни ошириш учун мақсадли кўрсаткичлар ва товарлар таркиби белгилаб олинди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Гуманитар соҳа муҳокама қилинар экан, таълим ва туризмда ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро маданият, санъат ва кино кунларини ўтказиш, анъанавий тиббиёт, кўз ва бошқа турдаги касалликларни даволаш, вакцина ва фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги дастурларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди. Ўзбекистон етакчиси Хитой раҳбарини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнотни имзоладилар ва 2023-2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастурини қабул қилдилар.

Етакчилар ҳузурида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ўрта таълим мактаблари салоҳиятини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида парранда гўштининг етказиб беришда карантин ва ветеринария-санитария талаблари тўғрисидаги баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида Ўзбекистондан Хитойга узум экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисидаги баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида ваколатли иқтисодий операторлар дастурларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишув;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида устувор инвестиция лойиҳаларини илгари суриш бўйича англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Матбуот канцелярияси ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;

— 2023-2024 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик дастури;

— Тошкент шаҳри ва Сичуань музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги битим;

— Сирдарё вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги битим;

— Самарқанд вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги битим.

Бундан ташқари, қуйидаги муҳим иқтисодий келишувлар имзоланди:

— электр узатиш линиялари ва нимстанцияларини қуриш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисида;

— мультимодал логистика марказини ташкил этиш тўғрисида;

— “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ локомотивлари паркини янгилаш ва модернизация қилиш тўғрисида;

— Ўзбекистон — Хитой агросаноат паркини ташкил этиш тўғрисида;

— Агроинновацион паркни ташкил этиш тўғрисида;

— Ўзбекистон — Хитой биотехнологик кластерини ташкил этиш тўғрисида;

— “Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини янада кенгайтириш тўғрисида;

— “EXEED” компанияси билан биргаликда замонавий автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисида;

— “BYD Auto Industry” компанияси билан биргаликда электр ва гибрид автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисида;

— “Ўзбекистон миллий банки” АЖ билан “Хитой Эксим банки” ўртасида кредит линияларини жалб қилиш тўғрисида;

— “Ўзбекистон миллий банки” АЖ билан “Хитой тараққиёт давлат банки” ўртасида кредит линияларини жалб қилиш тўғрисида;

— “China Export and insurance corporation” билан ҳамкорлик тўғрисида;

— Наманган вилоятида “Норин ГЭС каскадини қуриш” ва Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида “Айгаин ГЭС каскадини қуриш” лойиҳалари техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш тўғрисида;

— телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида.

Ташриф тадбирлари доирасида тармоқ меморандумлари ҳам имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги хорижий давлатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстона алоқалар Қўмитаси билан Хорижий мамлакатлар билан дўстлик Шанхай халқ уюшмаси ўртасида;

— Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Халқаро савдога кўмак кўрсатиш бўйича Хитой кенгаши ўртасида тижорат ҳуқуқи соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбек — Хитой қўмитасини тузиш тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси билан Дальян товар биржаси ўртасида;

— Ўзбекистон Паррандачилик уюшмаси билан Хитой Чорвачилик уюшмаси ўртасида паррандачилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан Хитой чарм саноати бўйича ҳамкорлик уюшмаси ўртасида;

— Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Пекин хорижий тиллар ва маданият университети ўртасида;

— Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Ляонин педагогика университети ўртасида;

— Самарқанд халқаро технологиялар университети билан Тяньцзинь фан ва техника университети ўртасида;

— Самарқанд халқаро технологиялар университети билан Шимолий-Шарқ электроэнергетика университети ўртасида;

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Шанхай университети ўртасида.

Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган жами 41 та ҳужжат имзоланди.

Сиань шаҳридаги Тан сулоласи боғида “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида иштирок этаётган давлатлар раҳбарларини расман кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва рафиқаси тантанали кутиб олдилар.

Маросимда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва рафиқаси, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам иштирок этди. Биргаликда суратга тушилди.

Олий мартабали меҳмонларга сарой олдидаги майдонда Хитойнинг бой тарихи ва маданиятини ўзида акс эттирган ёркин саҳналаштирилган чиқишлар ва концерт дастури намойиш этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 12 май куни Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишининг самарали якунларини юксак баҳоладилар.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини, шу жумладан, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация ва бошқа тармоқларда илгари суриш бўйича қабул қилинган қарорларни амалда бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН II ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон заминида иккинчи бор ўтказилаётган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумда иштирок этаётган Сиз, азиз меҳмонларни самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор қиламан.

Ҳозирги таҳликали дунёда камбағалликни қисқартириш масаласи олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири эканини барчамиз яхши англаб турибмиз. Бу муаммога илғор тажриба ва янги ёндашувлар асосида биргаликда ечим топиш ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус доирасида ўтказилаётган мазкур анжуман камбағалликни қисқартиришга қаратилган янги ғоялар ва амалий чоралар ишлаб чиқиш бўйича фойдали халқаро мулоқот майдонига айланди, деб айтишга барча асослар бор.

Ушбу платформа мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида бошлаган улкан ислоҳотларимизни янада бойитиб, катта ижобий ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида ўтган бир йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай натижаларга эришишимизда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсатимиз ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш орқали мамлакатимиздаги 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олинди.

Тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилиниб, инсон қадрини янада улуғлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг конституцион мажбуриятлари алоҳида муҳрлаб қўйилди.

Шу боис камбағалликни қисқартириш борасида бошлаган кенг кўламли ишларимизни янги босқичга олиб чиқиб, бундан буён ҳам барча йўналишларда “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз.

Энг аввало, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг драйвери бўлган хусусий сектор ва тадбиркорлик учун энг қулай шароитларни яратиб бериш, уларни изчил қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, ишсиз фуқароларни ўқитиш ва ишга жойлаш ташаббусини билдирган фаол тадбиркорларга “ижтимоий контракт” тизими асосида қўшимча имтиёзлар пакети тақдим этилади.

Иккинчидан, “ижтимоий реестр” тизими доирасида камбағал оилаларни индивидуал ёндашув асосида манзилли қўллаб-қувватлаш дастурларини жадал давом эттирамиз.

Учинчидан, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар, нуронийлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламларига маҳалланинг ўзида юздан ортиқ ижтимоий хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида аҳоли ўзи танлаган лойиҳаларга “очиқ бюджет” тизими орқали ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Бешинчидан, инсон капиталини ривожлантириш учун ҳар бир шахснинг сифатли таълим ва тиббиёт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларимизни тобора кенгайтирамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги форумга нуфузли халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатлардан 100 дан ортиқ таниқли экспертлар ташриф буюргани ушбу масалага қизиқиш ва эътибор нечоғлиқ катта эканини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича ўз олдига қўйган юксак марраларни амалга оширишда жаҳон ҳамжамияти билан олиб бораётган яқин ҳамкорлигини давом эттиришдан манфаатдордир.

Форум доирасида ишлаб чиқилган янги ёндашувлар ва таъсирчан ечимлар келгусида амалий ҳаётга самарали татбиқ этилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда омадлар, анжуман ишига эса катта муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАРДАН ОРТТИРГАН ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ТААССУРОТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗ АКСИНИ ТОПДИ

*Ўзбекистон Президентининг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи арафасида Хитойнинг етакчи “Синьхуа” ахборот агентлиги “Кўҳна Ипак йўли бўйидаги цивилизациянинг порлаб турган марваридлари” сарлавҳали салмоқли мақолани эълон қилди.*

## Биз ва жаҳон

У “Диққат марказида Си: йирик планда” махсус рукни остида агентликнинг веб-саҳифасида ҳам эълон қилинди. Унда Хитой етакчисининг Ўзбекистонга ташрифи доирасидаги маданий қирралар, унинг ўзбек халқи қадимий тарихий-маданий мероси билан танишуви ва орттирган таассуротлари таҳлил қилинади.

Муаллифлар ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи ва Самарқанд шаҳрида бўлиши ҳақида атрофлича тўхталишган.

“ХХР Раиси Си Цзиньпин Марказий Осиё мамлакатига давлат ташрифи чоғидаги совғалар алмашиш пайтида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдан қандай тухфа олганини англаши учун сониянинг атиги бир қисми кифоя қилди, деб ёзилади агентлик хабарида. Бу Си Цзиньпин 2013 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси сифатида Ўзбекистонга илк сафари чоғида ташриф буюрган Регистон майдони тасвирланган мўъжаз миниатюра намунаси эди. У ўшанда кўҳна цивилизацияларнинг бетакрор улуғворлигини қалбан ёрқин ҳис қилган эди ва бу худди кечагина бўлганидек яна такрорланди”.

Мақолада таъкидланишича, 2013 йил сентябрь ойида Си Цзиньпин Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ва Регистон майдонига ташриф буюриб, кўзни қувнатадиган деворлар, бежирим нақшлар, ипак гиламлар, мовий гумбазлар, миноралар ва турфа ёдгорликларни кўриб ҳайратланган эди.

“Биз гўё замон ва макон бўйлаб саёҳат қилгандекмиз ва ҳозир қадимги Ипак йўли бўйлаб юраётганга ўхшаймиз”, деб муаллифлар Си Цзиньпиннинг бундан ўн йил олдин айтган сўзларидан иқтибос келтиришади.

Муаллифларнинг ёзишича, уч йилдан сўнг Си Цзиньпин яна Ўзбекистонга ташриф буюрди ва бу сафар қадимий Бухоро шаҳри билан яқиндан танишиш имконига эга бўлган. У Тошкентда Ўзбекистон парламентидаги нутқида Бухоронинг тарихий диққатга сазовор жойлари, жумладан, Арк қалъаси, Калон минораси ва Сомонийлар мақбараси ҳақида сўзлади. Ўшанда ХХР Раиси бу қадамжолар унга Буюк Ипак йўлининг ҳайратланарли тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш имконини берганини қайд этган эди.

Ўша пайтда Хитой раҳбари таъкидлаганидек, “Тошкент, Бухоро ва Самарқанд каби қадимий шаҳарлар Буюк Ипак йўли бўйлаб сочилган марваридларга ўхшайди, мазкур шаҳарлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро билим алмашувлари ҳақидаги тарихий хотираларни бирлаштирадики, улар жаҳон цивилизациялари солномаларида ажойиб из қолдирган”.

Муаллифларнинг қайд этишларича, “Си Цзиньпиннинг мазкур тарихий масканлардан орттирган ҳайратланарли таассуротлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда ўз аксини топди. Айнан унинг 2013 йилдаги Ўзбекистонга сафари чоғида қадимий Хива шаҳридаги тарихий обидаларни авайлаб асраш ва таъмирлаш бўйича қўшма лойиҳа ишга туширилган эди.

Си Цзиньпин Ўзбекистонга навбатдаги ташрифи давомида долзарб масалалар қаторида мамлакатимизда археология соҳаси маданий ёдгорликларини авайлаб асраш соҳасида меҳнат қилган хитойлик мутахассислар билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун вақт топди.



Цяо Юньфэй Хивада консервация ва таъмирлаш ишлари учун масъуллардан бири эди. Си Цзиньпин унинг иши ҳақида эшитгач Цяо Юньфэй ва унинг ҳамкасбларини маданий ёдгорликлар ишончли ва хавфсиз сақланиши учун ғамхўрлик қилишга чақирди.

2019 йилда якунланган Хива лойиҳаси Си Цзиньпин учун маданий меросни муҳофаза қилиш қанчалик муҳим эканлигининг намойиши, шунингдек, Хитойнинг бу йўналишда халқаро ҳамкорлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларининг ажойиб намунаси бўлди.

Си Цзиньпин 2014 йили ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида ҳавола қилган нутқида Самарқандга ташрифи ҳақида сўзлаб, агар инсон турли цивилизацияларни чинакам англашни истар экан, бунинг учун “тенглик ва камтарлик талаб этилади”, деган эди.

2016 йилда Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг ўқув йиғилишида Си Цзиньпин маданий алмашув ва одамлар ўртасидаги алоқалар ҳам “Бир камар, бир йўл” ташаббусининг муҳим қисми эканлигини таъкидлар экан, бу унда иштирок этадиган барча мамлакатлар ўртасида ўзаро эътироф этишга, тушуниш ва ҳурматга чақиришини қайд этган эди.

Си Цзиньпин 2019 йилда бўлиб ўтган Осиё цивилизациялари мулоқотига бағишланган конференциядаги дастуриламал маърузасида Хитой Осиё маданий меросини ҳимоя қилиш ҳамда цивилизациялар меросини яхши сақлаш ва қўллаб-қувватлаш учун бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини баён қилган эди.

2021 йил январь ойида нашр қилинган “Хитойнинг янги даврда ривожланиш мақсадидаги халқаро ҳамкорлиги” номли оқ китобда қайд этилишича, Хитой маданий осориатиқаларни биргаликда асраш бўйича “Бир камар, бир йўл” ташаббуси иштирокчиси бўлган 17 мамлакат билан 33 та лойиҳада қатнашган.

Археология соҳасида Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги ҳамон давом этмоқда. Икки мамлакат археологлари Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидаги кўҳна Мингтепа шаҳарчаси сир-асрорларини очиш бўйича иш олиб боришмоқда.

**«Дунё» АА.**
Пекин

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ:

# ТЕНГЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК РУҲИГА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР

*Тарихий манбаларда келтирилишича, Милоддан аввалги 138 йилда Хитой императори У-Ди Чжан Цянни Ўрта Осиё ерларига жўнатади. Элчи Чжан Цян хуннларга қарши курашиш учун иттифоқчи излаб келган эди. Кейинчалик Чжан Цян юрган йўлларда Хитойни Ўрта ва Ғарбий Осиё билан боғлайдиган карвон изи пайдо бўлади. Бу йўл “Буюк Ипак йўли” деб аталиб, узунлиги 12 000 км. эди. Ўз даврида беқиёс аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.*

Ипак йўли ривожланиб борган сари подшолар ўзаро элчи юбориш, совға инъом этиш анъанасини йўлга қўйишади. Савдо-сотиқ мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучаяди. Давлатлар ривожланишидаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

Бундан 32 йил аввал Марказий Осиёдаги беш давлат мустақилликка эришгач кучли шериклар топишга интила бошлади. МДҲ давлатлари ўртасида кундан-кун ривожланаётган истиқболли, стратегик аҳамият касб этиб бораётган ҳамкорлик айни пайт бутун дунё, қолаверса, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари эътиборига тушган.

Хитой Марказий Осиёнинг барча беш давлати билан кенг қамровли стратегик шериклик ўрнатган. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ҳам минтақа ижобий томонга ўзгаришини таъминламоқда.

ШҲТ, “Бир макон, бир йўл” сингари Хитой иштирокидаги ташаббуслар аввалдан мавжуд бўлса-да, расмий Пекин Марказий Осиё билан янгича форматдаги шерикликка ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни кунларда Чжан Цян икки минг йил аввал Марказий Осиё бўйича миссиясини бошлаган Сиан шаҳри илк “Марказий Осиё — Хитой” саммити иштирокчиларини қабул қилмоқда.

Мазкур олий даражадаги учрашув кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ муҳим масалаларга доир умумий ёндашувларни белгилаш, айни йўналишда самарали механизм ишлаб чиқиш имконини яратади.

Мустақилликка эришган МДҲ давлатлари ягона шерикка таяниш сиёсатини қайта кўриб чиқиб, дунё билан алоқада бетарафлик ва диверсификацияга интилишни ёқламоқда. Кўп йиллик дўстлик тарихига эга, яқин қўшни Хитой ҳар жиҳатдан бу мақсадга мос тушади.

1992 йил январь ойи бошида Хитой биринчилардан бўлиб беш давлат билан дипломатик алоқа ўрнатган. Хитой ва Марказий Осиё учун 3300 километрдан узун умумий чегарани ҳимоя қилиш миллий хавфсизлик ва иқтисодий режалаштириш учун жуда муҳим. Ҳар икки томон учун бирдек зарур жиҳат — ўз ҳудудини терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг кўп йиллик таҳдидидан тозалаш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Бу истак Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Афғонистонга қўшни давлатлар вазирлари йиғилиши ташкил этилишига олиб келди. Аъзо давлатлар ўз тарихидан келиб чиқиб, сиёсий-ҳарбий устунлик фалокат учун хамиртуруш эканлигини англаб етган. Шу боис навбатдаги келишув тенглик, ўзаро манфаат, маслаҳатлашув ва хилмахилликка ҳурмат асосида қурилди.

Ривожланаётган мамлакатлар сифатида Марказий Осиё — “С5” ва Хитой ўз халқи ҳаётини яхшилашга интилади. Мамлакатларимиз фақат ривожланиш орқалигина хавфсизлик муаммосига барқарор ечим топиш мумкинлигини якдил маъқуллашади.

2013 йил сентябрь ойида Хитой раиси Си Цзиньпин Қозоғистонга ташриф буюриб, биринчи марта қадимги Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий белбоғни биргаликда тузиш яхши фикр бўлиши мумкинлигини айтди. Денгиз Ипак йўлининг қайта тикланишидан бир ой ўтгач бу ташаббус “Бир макон, бир йўл” дея номланди.

Хитой билан мазкур ташаббус бўйича ҳамкорлик ҳужжатини дастлаб Тожикистон имзолади. Тез орада бошқа тўрт давлат ҳам зарур қадамни ташлади. Мана, ўн йилдирки айни самарали ҳамкорлик давом этмоқда.

“Бир макон, бир йўл” фаол ишлайди, чунки бу жараён очиқ, шаффоф. Шериклар ҳар қадамда тафсилотни муҳокама қилишади, келишилган йўл харитаси асосида ҳаракатланишади. Барча иштирокчиларга эгалик ҳуқуқи берилади. Тенглик ва ўзаро манфаатдорлик руҳи ҳукмрон.

Бундан ташқари, мазкур ғоя логистикани мувофиқлаштиришга ҳам мислсиз кўмак беради. Хитой — Марказий Осиё табиий газ қувури, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль йўли, Қамчиқ туннели каби йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. Натижада 2022 йили умумий савдо ҳажми рекорд даражага чиқди — 70 000 миллион доллар. Қиёсланса, 1992 йил айни кўрсаткич атиги 460 миллион доллар эди.

Чуқурроқ таҳлил этилса, гуллаб-яшнаётган ҳамкорлик илдизи узоқ тарихга тақалади. Марказий Осиё Ғарбий Хитой билан кўп қиррали алоқага эга. “Тенгри Таг” номи билан ҳам танилган Тянь-Шань тоғи бўйлаб инсонлар ўртасидаги алмашинув 2000 йил олдин бошланган ва бугунги кунда анча мустаҳкам асосга эга.

Маданий алоқаларимизнинг бугунги ижобий ҳолатига яқинда Хитой ижтимоий тармоғида кенг тарқалган туркманистонлик Кристина Григоряннинг “Янги Хитой қўшиғи” қисқа метражли ҳужжатли картинаси мисол бўла олади. Умуман, Марказий Осиё халқлари ва хитойликлар бир-бирининг замонавий адабиётидан доим завқланади. Фильм суратга олиш, маданий ёдгорликларни топиш ва қайта тиклаш йўлида бирга изланиш олиб боришади. Ҳатто COVID-19 сингари турли трансмиллий муаммоларга қарши елкама-елка туриб курашади.

Хулоса шуки, Хитой элчиси Чжан Цян сафарга чиқиш асносида ўзаро ёрдамни кўзда тутган тенг ҳуқуқли шерикликни тасаввур этган, шуни мақсад қилган. Ҳеч кимда на талончилик, на бўйсуниш ва на бўйсундириш нияти бўлмаган. Бу эзгу ният ва хайрли тасаввур ўша даврда асос солинган Ипак йўли стратегиясини белгилади.

Бугун Марказий Осиё ва Хитойни яқин дўст, ҳамкор сифатида бирлаштирган қадрият ҳам айни шу. Зеро, кимдир янги даврда Марказий Осиёнинг ўз суверен йўлини белгилаб олган ҳар бир ғурурли халқи билан мулоқот қилишни истаса, шу ягона ва тўғри ёндашувга содиқ қолиши лозим.

**И ФАНЬ,**
**халқаро шарҳловчи**
**(Пекин, ХХР).**
**ЎзА.**

## ЕТТБнинг 32-йиллик анжумани

# ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛДИ

*Самарқанд шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши якунланди.*

Анжуман доирасидаги қатор учрашув ва панел сессияларда банкка аъзо мамлакатларнинг 2022 йилги ҳамкорлик натижалари кўриб чиқилди ҳамда минтақаларга таъсир кўрсатаётган мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Халқаро савдо муносабатлари, энергия хавфсизлиги, қайта тикланадиган энергия манбалари, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамияти, ривожланаётган бозорларда рақамлаштириш жараёнлари, ЕТТБ “Яшил шаҳарлар” дастурлари шулар жумласидандир.

Тадбир сўнгида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Президенти Одиль Рено-Бассо хоним иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Хорижий ва маҳаллий ОАВ вакилларига маълумот берар экан, Одиль Рено-Бассо хоним Самарқанд анжумани юқори савияда ташкил этилганлигини айтиб, бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорлигини билдирди.

— Барча учрашув ва панель сессиялар, муҳокамалар муваффақиятли ўтди, — деди у. — 32-йиллик йиғилишимиз давомида Бошқарувчилар кенгаши банкимиз тарихидаги энг катта ҳамкорлик пакетини имзолади. Унда биз Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиёда келгусида бажарадиган учта стратегик йўналишларни белгилаб олдик. Булар “яшил” иқтисодиёт, инклюзивлик ва рақамлаштиришдир. Ҳар бир йўналиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Капиталларимиз миқдори кўпаяди.

Бинобарин, банк ўтган йили дунё миқёсида мамлакатларга рекорд даражада инвестициялар киритган эди. Айниқса, энергетика, “яшил” иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишларида бу ишлар анча салмоқли бўлди. Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш учун банк инвестицияларнинг 50 фоизини “яшил” иқтисодиётга йўналтирди. Келгусида ҳам бу йўналишлар устувор бўлиб қолади.

Уч кун давом этган мазкур йирик анжуман Ўзбекистон учун ҳам самарали бўлди. Мулоқотлар давомида эришилган келишувлар, ҳамкорлик бўйича имзоланган битимлар натижасида киритиладиган инвестициялар келгусида мамлакатимизда кичик бизнес, молия сектори, транспорт инфратузилмаси ва энергетикани янада ривожлантиришга ҳамда мамлакатни иқтисодий барқарорликка эришишига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЕВРОПА ЎЗБЕКИСТОННИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР СИФАТИДА КЎРМОҚДА

*Ушбу фикрни Ўзбекистон Президентининг Самарқандда бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги дастурий нутқи билан танишган ҳамда форумнинг боришини диққат билан кузатган халқаро эксперт, сиёсат ва ишбилармон доира вакиллари таъкидламоқда.*

## Дунё нигоҳи

**Марта КИТЛИ, Польша Миллий банки президентининг биринчи ўринбосари:**

— Аввало, Ўзбекистон ҳукуматини Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилишини тарихий Самарқандда ўтказиш имконияти қўлга киритилгани билан табриклашга ижозат бергайсиз. Унда онлайн форматда қатнашиш менга катта завқ бағишлади.

Ушбу муҳим тадбир мавзуининг ўзи Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш контекстидаги муҳим аҳамиятидан далолат беради.

Самарқанд аллақачон халқаро дипломатия марказига айланган, чунки у халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги муҳим саммитлар ҳамда музокаралар учун доимий платформадир.

Ўзининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик салоҳиятидан келиб чиқиб, Европа томони айнан Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг муҳим ва ишончли ҳамкор сифатида кўрмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, форумнинг “Барқарорлик учун сармоя киритиш” мавзуи, ҳақиқатан ҳам, бутун тадбирнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттиради. Давлатингиз раҳбарининг мазкур форумдаги нутқи биз учун жуда муҳим, у мамлакатда товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи бозорларини янада эркинлаштириш сиёсати давом эттирилишини таъкидлади. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида муҳим қадамлар ташлаган.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ЕТТБ сармояларини энг кўп олувчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаганидан буён банк томонидан 3,4 миллиард евродан ортиқ миқдорда бир қатор лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш маъқулланганини юксак қадрлаймиз.

Самарқанддаги тадбирда дунёнинг 73 давлатидан, жумладан, Польшадан 2000 дан ортиқ меҳмонлар иштирок этди. Молия вазирлиги ва Польша Миллий банки вакиллари бошқа давлатлардан келган ҳамкасблари, трансмиллий корпорациялар раҳбарлари, халқаро молия институтлари ва банклари раҳбарлари, экспертлар билан банкка аъзо мамлакатлар дуч келаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилади.

Ишончим комилки, ЕТТБнинг Самарқанддаги йиғилиши ва бизнес-форум якунлари жаҳон сармоявий доираларида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу тадбирнинг ўтказилиши жаҳон ҳамжамиятига республиканинг иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти билан атрофлича танишиш имконини беради.

**«Дунё» АА.**

## Халқаро форум

# КАМБАҒАЛЛИК — ТАБИИЙ ВА ЎЗГАРТИРИБ БЎЛМАС МЕЗОН ЭМАС

*Дунёда иқтисодиёт, замонавий технологиялар жадал ривожланаётган ва кўплаб молиявий ресурслар миқдори ортиб бораётган шароитда миллионлаб кишиларнинг камбағаллик чегарасида яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Қашшоқлик фақатгина иқтисодий муаммо эмас, у кишиларни муносиб яшаш имкониятидан маҳрум қиладиган асосий факторлардан бири ҳисобланади.*

Бу фикрлар 18 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни татбиқ этиш” мавзуидаги II Халқаро форумда дунёга машҳур хорижий эксперт ва иқтисодчилар томонидан айтиб ўтилди.

Унда 200 дан ортиқ делегатлар, жумладан, иқтисод бўйича Альфред Нобель номидаги мукофот совриндори, камбағалликни қисқартириш бўйича J-PAL глобал ташаббуси ҳаммуассиси Абхижит Банержи, Жорж Вашингтон университетининг фаровонлик иқтисодиёти ва камбағалликни ўлчаш бўйича иқтисод профессори Жеймс Фостер, Оксфорд камбағалликка қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш ташаббуси директори Сабина Алькайр ҳамда БМТ, БМТТД, ХМТ, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, ОТБ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари иштирок этишди.

Форум Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, БМТ Тараққиёт дастурининг ва БМТ Болалар жамғармасининг юртимиздаги ваколатхоналари кўмагида ташкил этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Равшан Ғуломов давлатимиз раҳбарининг форум иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Халқаро форумнинг мақсади — камбағалликка қарши курашиш бўйича илғор жаҳон тажрибаси ва усулларини ўрганиш, яқин йилларда кўп ўлчовли камбағалликка барҳам беришда мувофиқлашган комплекс ёндашув, ижтимоий ҳимоя ва манзилли ёрдамга алоҳида эътибор қаратган ҳолда амалга ошириладиган қўшма тадқиқотлар учун устувор йўналишларни шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, анжуманда инсон капиталини такомиллаштириш орқали меҳнат бозорида ўқитиш дастурлари сифатини ошириш, кичик корхоналарнинг ўсишини қўллаб-қувватлаш, юқори сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Қўчқоров мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр юритар экан, Ўзбекистонда қисқа муддатда камбағалликни қисқартириш соҳасида ўзига хос ташкилий дастур шакллантирилиб, ўтган йили жорий этилгани ва бу ўзининг ижобий самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш ижтимоий сиёсатда алоҳида ўрин эгаллайди. Унга қарши фаол кураш 2020 йилда мамлакатимизда ушбу ҳолат расман тан олинган пайтда бошланган бўлиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумотлар базалари шакллантирилди. 2021 йилдан бошлаб кам таъминланганларни “Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри” ахборот тизимига киритиш орқали ҳисобга олиш механизми жорий этилди.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиш ва камбағалликни қисқартириш мақсад қилинган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий соҳага давлат харажатларини ошириш вазифаси қўйилди. Хусусан, 2018 йилда 35 триллион, 2019 йилда 61,3 триллион, 2020 йилда 74,2 триллион, 2021 йилда 85,3 триллион сўм ажратилган. 2022 йилда эса 105,5 триллион сўм йўналтирилди. 2022 йил якунларига кўра, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга камайди.

Хўш, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш юзасидан бажарилаётган ишлар самараларига форумда иштирок этган хорижий экспертлар, дунёга машҳур институт ва компаниялар вакиллари қандай баҳо беришмоқда? Бу ҳақда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори, қашшоқликка қарши кураш бўйича “J-PAL” глобал ташаббуси ҳаммуассиси Абхижит Банержи анжуманда сўзлаган нутқида фикр юритиб, бугун шу ерда туриб Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар руҳини ҳис қилаётганини, бундан ғурурланишини таъкидлаб, “Ўзбекистон ўз мисолида бошқа мамлакатларга қашшоқликка қарши қандай курашиш кераклигини кўрсатмоқда”, деб айтди.

Шунингдек, у Ўзбекистонда далилларга асосланган тадқиқотнинг мумкин бўлган йўналишлари ҳақида сўз юритиб, мамлакат ижтимоий ҳимояга инвестицияларни кўпайтирар экан, ушбу чора-тадбирларнинг мақсадлилигини ва бошқа дизайн хусусиятларини баҳолаш, уларнинг керакли одамларга етиб бориши ва керакли таъсирга эга бўлишини таъминлашга эришиши муҳимлигига эътибор қаратди.

Анжуманда Жорж Вашингтон университетининг фаровонлик иқтисодиёти ва камбағалликни ўлчаш бўйича иқтисод профессори Жеймс Фостер, Оксфорд камбағалликка қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш ташаббуси директори Сабина Алькайр сўзга чиқиб, “Бизнесни қўллаб-қувватлашнинг қайси турлари энг самарали ҳисобланади?”, “Қўшимча ёрдамдан фойдаланиши мумкин бўлган юқори салоҳиятли тадбиркорларни аниқлаш йўлларини топа оламизми?”, “Янги тадбиркорлар турли солиқ имтиёзларига қандай муносабатда бўлишади?”, “Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда қандай чора-тадбирлар самарали бўлиши мумкин?” каби мавзуларда мунозаралар олиб боришди.

Халқаро форумда камбағалликка қарши курашиш бўйича илғор жаҳон тажрибаси ва усулларини ўрганиш, яқин йилларда кўп ўлчовли камбағалликка барҳам беришда мувофиқлашган комплекс ёндашув, ижтимоий ҳимоя ва манзилли ёрдамга алоҳида эътибор қаратган ҳолда амалга ошириладиган қўшма тадқиқотлар учун устувор йўналишларни шакллантириш, инсон капиталини такомиллаштириш орқали меҳнат бозорида ўқитиш дастурлари сифатини ошириш, кичик корхоналар ўсишини қўллаб-қувватлаш, юқори сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Анжуман панель сессиялар орқали гуруҳларга бўлинган ҳолда давом этди ва унда экспертлар камбағалликка қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон эришган ютуқларнинг усуллари ва натижаларини, жумладан, уларнинг самарадорлигини кенг ёйишга тавсия этишди.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси ва сенаторлар Ёшлар парламенти аъзолари билан мулоқот ўтказди.*

## Олий Мажлис Сенатида

Конструктив ва амалий руҳда кечган учрашувда Ёшлар парламенти фаолияти таҳлили, уни янада ривожлантириш бўйича тегишли чоралар кўриш, устувор йўналишлардан келиб чиқиб, режаларни белгилаб олиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, 11 апрелда Президент раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш ва улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан ўтказилган видеоселекторда Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги Ёшлар парламентларига бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсати юритилишида жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада Ёшлар парламенти билан вазирлик ва идораларнинг бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ёшлар муаммоларини аниқлашда ушбу тузилма имкониятларидан фойдаланиш, муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамасига олиб чиқиш ва ижобий ҳал этиш масалалари чуқур таҳлилдан ўтказилганди.

Мулоқотда Сенат Раиси Ёшлар парламенти ўз фаолиятида эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим масалаларга алоҳида тўхталди.

— Сенат ташаббуси билан ялпи мажлисларда Ёшлар парламенти аъзолари қатнаша бошлади. Яъни қонун ижодкорлиги жараёнида барчангиз фаол иштирок этяпсиз. Албатта, бу борада янада фаол бўлиш керак, бу сиз учун катта мактаб. Сенатнинг ялпи мажлисларида сенаторлар томонидан айрим ҳудудларда кўтарилган масала бошқа ҳудудлар учун ҳам долзарб бўлиши мумкин. Шу маънода, Ёшлар парламенти аъзолари ҳудудлардаги ёшлар учун муҳим ҳисобланган масалалар бўйича фаоллик кўрсатиб, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари ёки Сенатнинг тегишли қўмиталарига таклифлар берса, уларни Сенат Кенгаши ёки ялпи мажлис муҳокамасига киритишга тайёрмиз. Қолаверса, Ёшлар парламентининг халқаро ҳамкорлик йўналишдаги фаолиятини жонлантириш фурсати етди. Нафақат МДҲ давлатлари парламентлараро Ассамблеяси, балки кенгроқ миқёсда — жаҳон халқаро парламент тузилмалари майдонларига ҳам чиқиш зарур. Хусусан, Европа Иттифоқи, АҚШ, Осиё мамлакатлари парламентлари билан муносабатларни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бирингиз “Биз кучлимиз, Ўзбекистон жуда ҳам салоҳиятли ва мен унинг драйвериман, билимим бор, фақат мен билан шу ислоҳот юзага чиқади”, деган фикрда бўлишингиз керак, — дея таъкидлади Т.Норбоева.

Учрашувда янги таҳрирдаги Конституция мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунни ёш авлод вакиллари таклифлари асосида қайта кўриб чиқишга Ёшлар парламенти аъзоларини кенг жалб қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўз навбатида, мазкур тузилма аъзолари ижтимоий ҳамкорлик тамойили асосида ишлаши учун вазирлик ва идораларга бириктирилгани маълум қилинди. Янги тизимга асосан эндиликда ҳар бир аъзо ўзи бириктирилган вазирлик ва идораларга ҳар ойда камида бир маротаба бориб, у ерда ёшлар билан ишлаш ҳолатини ҳамда ёш ходимларга яратилган шарт-шароитларни ўрганади. Айни чоғда ёшларга оид қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик мониторингини олиб боради.

Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегияларни белгилаб олади ҳамда уларни амалга ошириш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Мулоқот давомида Ёшлар парламенти аъзолари ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, Ёшлар парламенти ҳудудий аъзоларининг ҳар ойда бир маротаба вилоят ҳокимлари билан учрашувини йўлга қўйиш орқали уларнинг муаммоларини муҳокама қилиш, Сенат ялпи мажлисларида ёшларга оид долзарб масалаларда фикр билдириш, уларга ҳам музокарага чиқиш имкониятини яратиш, халқаро учрашув ва ҳамкорлик алоқаларини тизимли йўлга қўйиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашув сўнгида билдирилган таклифлардан келиб чиқиб устувор йўналишлар бўйича Ёшлар парламенти иш режаларини қайта кўриб чиқиш, керак бўлса, алоҳида дастур тайёрлаш кераклиги айтилди.

**«Халқ сўзи».**

Фикр

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАШДА ИМТИЁЗЛАР

*Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган комплекс вазифа.*

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни бўлиб ўтган камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Унда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинар экан, бу борада янги босқичга ўтиш, рағбат чораларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2023 йил бошида туманлар 5 та тоифага ажратилиб, ҳар бирига шароитига қараб енгилликлар берилди. Ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1,5 триллион сўм субсидиялар ажратилмоқда. Натижада камбағаллик даражаси 2022 йилдаги 17 фоиздан 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14,1 фоизга туширилди. Йил якунига қадар 11 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинган.

Камбағалликни қисқартириш ва фуқароларни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлашда, аҳолининг доимий иш ўринлари билан таъминланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорлар меҳнати алоҳида аҳамиятга эга. Охирги беш йилда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингтага кўпайди. Бу битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафардан тадбиркорлар синфи шаклланди, деганидир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари жойларда тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиниб, улар қўллаб-қувватланса туманда, маҳаллада бандлик масаласини ҳал қилиш учун имкониятлар янада кенгайишини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, ҳар йили касб-ҳунарга ўқитишга 200 миллиард сўм ажратилаётгани, аммо мазкур маблағлар тадбиркорлик субъектларининг мутахассисларга эҳтиёжи билан боғланмагани кўрсатиб ўтилди.

Натижада тадбиркорлар йилига катта харажат қилиб, ўзи учун минглаб мутахассис тайёрлашга мажбур бўлмоқда. Шу боис тадбиркорларни малакали мутахассислар билан таъминлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, бунда тадбиркорликка янада кенг имкониятлар яратиш ва молиявий рағбатлар тақдим қилиш зарурлиги қайд этилди.

Шу мақсадда 1 июндан бошлаб “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури амалга оширилади. Дастурга 2023-2024 йилларда жами 1 миллиард доллар ажратилади. Ушбу маблағлар ҳисобидан камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиб, ишли қилиш бўйича лойиҳа аҳамиятига қараб, амалдагидан паст фоизларда ва узоқроқ муддатга кредит берилади.

Дастурда иштирок этадиган тадбиркорларга солиқлардан алоҳида имтиёзлар ҳам берилади. Жумладан, камида 20 фоиз камбағал оила аъзосини бир йил давомида иш билан таъминласа, тадбиркор мол-мулк ва ер солиқларидан, камбағал оила аъзоси даромад солиғидан озод қилинади. 5 миллион сўмгача иш ҳақи тўлаётган тадбиркорларга ижтимоий солиқ ставкаси 2 баравар камайтирилади.

Шу билан бирга, дастурда қатнашадиган тадбиркорлар солиқ ва божхона маъмурчилигида енгилликлар олади. Хусусан, улар фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди, қўшилган қиймат солиғи, шунингдек, ортиқча тўланган солиқлар текширувсиз қайтарилади. Божхона расмийлаштируви пайтида “яшил йўлак” тартиби қўлланилади.

Тадбиркорларнинг ўз фаолиятлари давомида ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши эса аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига, эришиладиган натижалар кўлами ва салмоғи янада ортишига хизмат қилади.

**Махфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИДА ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИМИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмиталари томонидан манфаатдор идоралар ҳамкорлигида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил қилинмоқда.*

## Ўрганиш

Маълумки, шу йил 15 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида сенатор Одилжон Иминов иштирокида ўтказилган йиғилишда ишчи гуруҳ аъзолари етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кенг ўрганишга ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болалар билан бевосита мулоқот ўтказишга келишиб олинган эди.

Яқинда сенатор Бахтигул Бўтаева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Термиз туманидаги Шароф Рашидов номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Комилжон Тошпўлатов ва Диломхон Суюндиқова хонадонида бўлди. Хонадон аъзолари билан суҳбат ўтказилиб, бу ерда тарбияланаётган болаларнинг яшаш шароити кўздан кечирилди. Ишчи гуруҳ аъзолари болалар таҳсил олаётган 17-умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюриб, таълим жараёни ҳамда муҳит ўрганилди.

Сенатор Манзура Салимова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги “Мурғак қалб” ҳамда Қўқон шаҳридаги “Муқаддас ришталар”, “Жажжи қалбим чечаги” ва “Қалб кўзгуси” оилавий болалар уйларида бўлди. Ишчи гуруҳ аъзолари оилавий болалар уйларида яратилган шароит билан танишиб, болажонларнинг келажакдаги режалари, бўш вақтларида нималар билан шуғулланиши ҳақида суҳбатлашди.

Сенатор Малика Қодирхонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Чирчиқ шаҳридаги “Қувонч” оилавий болалар уйида бўлди, Курганбаевлар оиласи тарбияга олган болаларнинг яшаш шароитлари, уларнинг ушбу оиладаги ўрни ва улар учун яратилган шароитларни ўрганди. Тутинган ота-оналари билан мутахассис психологлар томонидан индивидуал суҳбатлар олиб борилди. Сўнгра болаларни дарсдан кейин фан ва спорт тўгаракларига жалб қилиш бўйича Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан қилинган ишлар, яратилган шароитлар ва болаларнинг билим олиш даражаси таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳ аъзоси ва сенатор Абира Ҳусейнова эса Бухоро вилоятида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун хонадонларда яратилган шарт-шароитлар, уларнинг таълим-тарбияси борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ўрганиш олиб борди. Ўрганиш давомида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни қизиқиши ва қобилиятларига қараб тўгаракларга жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айни чоғда болаларнинг овқатланиш рациони, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи юзасидан тавсиялар берилди.

Жойларда ўрганиш ишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

*Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлиги юксак даражада ривожланмоқда. Хусусан, 2017 йилдан буён ушбу банк мамлакатимизга 3,3 миллиард евро инвестиция киритди. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон ЕТТБнинг минтақадаги етакчи ҳамкорига айланди. Молиявий ташкилот Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилишининг Самарқандда ўтказилиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.*



## Акс садо

Азалдан Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу қўҳна шаҳар Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни ўзаро боғлайдиган, Европа, Осиё ва Африка қитъалари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-технологик алмашувлар макони бўлиб хизмат қилган. Халқимиз бу заминда турли цивилизациялар ўртасида юксак мулоқот маданияти шаклланганини билан доимо фахрланиб келади. Дунёнинг барча минтақасидан 2,5 мингдан зиёд меҳмонлар иштирок этаётган ушбу анжуман ана шу эзгу анъаналарни янги босқичда давом эттириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик кўпригини янада мустаҳкамлайди.

Банк раҳбарияти, хорижий ҳукуматлар, етакчи трансмиллий корпорациялар, саноат холдинглари, халқаро молия институтлари, умуман, дунёнинг 70 та мамлакатидан келган соҳа экспертлари ва таҳлилчилари иштирокида ўтган йиғилишда глобал иқтисодиёт истиқболлари таҳлил қилинди. Иқтисодиёт барқарорлигига сармоя киритиш, халқаро савдони рағбатлантириш, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш, молиявий инфратузилмани модернизация қилиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, “яшил” иқтисодиёт дастурини илгари суриш масалалари форумнинг марказий мавзулари бўлди.

Давлатимиз раҳбари Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилишида иштирок этиб, бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмаслигини қайд этди. Сўнгги йилларда юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон бозорларига дадил кириб бориш бўйича амалга оширилган ишлар кўламига тўхталди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини амалда энг олий қадрият даражасида таъминлаш мақсадида мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Сўз ва эътиқод эркинлиги, гендер тенгликни таъминлаш бўйича қилинган ишлар бугун халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Юртимизда илк бор камбағаллик борлиги тан олинди ва уни қисқартириш учун самарали тизим яратилди. Энг асосийси, қонун устуворлигини таъминлаш, суд мустақиллиги ва одил судлов институтини мустаҳкамлаш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш борасидаги ислоҳотлар қатъий давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда коррупцияга муросасиз бўлиш муҳитини шакллантириш энг устувор вазифага айланди. Хорижий инвесторлар узоқ кутган енгиллик ва имкониятлар иқтисодий ислоҳотларимизда ўз аксини топмоқда. Валюта тизими эркинлаштирилгани, ташқи бозорларга чиқиш бўйича тўсиқлар олиб ташлангани, божхона билан боғлиқ енгилликлар ташқи савдо айланмасини икки карра оширди. Шунингдек, солиқ юки қарийб 2 баробарга камайтирилди. Натижада йиллик хорижий сармоялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўпайди.

Бугун ўз эшикларини дунёга янада кенгроқ очаётган янги Ўзбекистондаги бу каби ўзгаришлар Самарқанд анжуманида иштирок этаётган халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари томонидан ҳам яна бир бор эътироф этилди.

Ўзбекистон ЕТТБ билан хусусийлаштириш ва хусусий сектор учун кенг шароитлар яратиш, инфратузилма, тиббиёт, таълим, транспорт, экология каби давлат ихтиёридаги соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт, айниқса, “яшил” энергия соҳаларини жадал ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш, янги агротехнологияларни жорий этиш, сувни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, 1991 йилда тузилган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бугунги кунда дунёдаги энг йирик молия институти ҳисобланади. Банкнинг асосий мақсади мамлакатларга бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда кўмаклашиш, монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Банкнинг устав капитали 30 миллиард еврони ташкил этади ва ўз облигацияларини халқаро молия бозорларига чиқариш орқали маблағ жалб қилади. Банк томонидан ўтган йиллар давомида умумий қиймати 180 миллиард евродан ортиқ бўлган 6,5 мингдан кўп лойиҳалар амалга оширилган.

Мухтасар айтганда, мана шундай нуфузли тадбирнинг ўтказилиши халқаро савдони рағбатлантириш, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, рақамлаштиришни жадаллаштиришга хизмат қилади.

**Жамшид ҚОСИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# «ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

## Тадбир

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда келажагимиз эгалари бўлган ёшлар билан доимий мулоқот қилиш ҳамда уларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини рўёбга чиқаришга, умуман, ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида ёшларни қўллаб-қувватлашга оид Президентимизнинг кўплаб Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш мақсадида барча зарур шароитларни яратишга қаратилган яхлит тизим тузилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Шунингдек, келажагимиз эгалари билан ишлашнинг мутлақо янги тизими — “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” ҳаётга татбиқ этиляпти. Мазкур тизим асосида олиб борилган амалий ишлар натижасида “ёшлар дафтари”га кирган минглаб йигит-қизларнинг муаммолари ҳал этилмоқда, кам таъминлаган оилалар фарзандлари бўлган талабаларнинг шартнома пули тўлаб беряпти, ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, янгиланган Бош қомусимизда ҳам оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ўз мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланди.

Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида ўз аксини топди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқда.

Таъкидланганидек, юртимизда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар ёшлар сиёсатига оид фундаментал аҳамиятга эга — “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақозо этаётир.

Шу боис йиғилишда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича республика ишчи гуруҳини тузиш, ёшлар таклифларини қабул қилиб олиш бўйича электрон платформаларни (веб-сайт, махсус бот, Call-марказ, электрон ва анъанавий почта, SMS-хабарномалар) ишга тушириш белгилаб олинди.

Тадбир иштирокчилари бу каби омиллар қонун лойиҳасининг янада пишиқ-пухта бўлишига, ундаги нормалар ёшлар манфаатига хизмат қилишини қайд этган ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қатор таклифларни илгари суришди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

Ўқув-семинар

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ОЧИБ БЕРИЛДИ

**Олий Мажлис Сенати томонидан Давлат бошқаруви академиясида Ёшлар парламенти аъзолари учун ўқув-семинар ўтказилди.**

Маълумки, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти 2020 йилда ташкил топган бўлиб, аъзолари сони 100 нафар. Ушбу тузилманиниг асосий мақсади — ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва саводхонлигини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, қонунчилик жараёнига ёш авлодни жалб қилиш, жойларда ёшлар муаммоларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини Сенатга киритишдан иборат.

Қайд этилганидек, юртимизда ёшлар билан ишлаш ҳамда уларга бўлган эътибор барча даражадаги давлат органларида устувор йўналиш саналади. Буни ёшларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган 50 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда дастлаб конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Жумладан, Ёшлар парламенти аъзоларининг конституциявий ислоҳотлар моҳиятини ёшларга етказишнинг ўзига хос усуллари ва янгича ёндашувлар таҳлил марказида бўлди.

Ўз навбатида, семинарда “Дипломатия ва ахлоқ қоидалари” ва “Ёшлар муаммоларини маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш механизмлари” сингари мавзуларда сўз юритилди.

**Зилола ХОЛТЎРАЕВА.**

■ Олий таълим

*ХХ аср ўзбек илм-фани ривожини Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, юртимиздаги олий ўқув юртларининг карвонбошиси бўлган мазкур илм даргоҳи минглаб олимлар учун бешик вазифасини ўтаган. Бир асрдан кўпроқ вақт давомида илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича кўплаб мутахассислар тайёрлаб, мамлакатнинг бош университети мақомини амалда оқлаб келяпти.*

*Дарҳақиқат, Ўзбекистон Миллий университети минтақамиздаги йирик олий ўқув юрти, илмий тадқиқот маркази, миллий кадрлар тайёрлаш ўчоғи ҳисобланади. Буни чуқурроқ ҳис қилиш учун университетга илм-фан соҳасида дунё эътироф этган ютуқларга эришган академиклар Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Эркин Юсупов, Шавкат Алимов, Тўхтамурод Жўраев, Тўрабек Долимов каби аллома олимлар раҳбарлик қилгани, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров шу қутлуғ масканда таълим олганини санаб ўтиш кифоя, назаримизда. Уларнинг ҳар бири ўз мактабини яратган, десак, айни ҳақиқат. Қолаверса, бу ерда математика, кимё, физика, биология соҳаларида ноёб илмий мактаблар шаклланганини илм-фан дарғалари, хорижлик ҳамкасбларимиз алоҳида эътироф этиб келишади.*



# ДУНЁ ТАН ОЛГАН ИЛМ-МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



Университет тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у фаолиятини 1918 йили Туркистон халқ университети сифатида бошлаган. Ушбу қутлуғ даргоҳ 1920 йили Туркистон давлат университети, 1923 йили Ўрта Осиё давлат университети, 1960 йили Тошкент давлат университети номини олган. Бошқача айтганда, у Марказий Осиёда ташкил этилган биринчи олий ўқув юрти саналади. Шу боис ушбу масканда қўшни республикалардан кўплаб истеъдодли ёшлар келиб, таҳсил олган. Улар орасидан қозоқ, қирғиз, тожик, туркман адабиётининг улуғ дарғалари етишиб чиқди. Бу ҳақда гап кетганда, Мухтор Авезов, Али Тўқонбоев, Қосим Тинистанов, Мирзо Турсунзода, Сотим Улуғзода, Хидир Деряев каби номларни алоҳида тилга олиш жоиз. Улар ўзбек адиблари Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Туроб Тўла, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Носир Фозилов билан дўст-қадрдон бўлиб, халқимизга бўлган меҳр-муҳаббатларини умрларининг охиригача сақлаб келди.

Мамлакатимиз бош университети 1995 йилдан бошлаб Мирзо Улуғбек номи билан атала бошланди, олийгоҳга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 январдаги тегишли Фармонига биноан, Миллий университет мақоми берилди.

Университет барча олий таълим муассасалари учун том маънода ўқув-услубий марказ эди. Бу ерда давлат таълим стандартлари, ўқув-услубий режалар, намунавий дастурлар, ишчи дастурлар каби ўқув жараёнига тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқариларди. Булар барча олий таълим даргоҳлари иш фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Яқинда қадрдон университетимизнинг 105 йиллик юбилейи кенг тантана қилинди. Унда каминанинг камтарона хизматлари ҳам юксак эътироф этилиб, “Университет ифтихори” эсдалик нишони билан тақдирландим. Ушбу нишон бу илм даргоҳи билан боғлиқ ширин хотираларни уйғотиб юборди. Ортга назар солиб, педагоглик фаолиятимни сарҳисоб қилсам, Ўзбекистон Миллий университетида иш бошлаганимга салкам 40 йил бўлибди. Қаранг, бир йигитнинг камолот даври...

Олийгоҳга энди ишга кирган пайтларимни ўзгача ҳаяжон билан эслайман. Айни ғайрат-шижоатга тўлган, ёш олим эмасманми, дарсларни ноанъанавий тарзда ўтиб, хорижда орттирган бор билимимни ёшларга беришга интилардим. Бунинг самараси ўлароқ, шогирдларим орасидан кўплаб олим ва профессорлар, академиклар, давлат арбоблари етишиб чиқди. Уларнинг орасида хорижда меҳнат қилиб, шуҳрат топганлари қанча?!

## Шахмат марказига айланган эди

Университетдаги илмий-ижодий муҳит бошқача эди, чин маънода илм-фан ва маърифат ўчоғига айланганди. Мени ҳайратга солган яна бир жиҳат — олийгоҳ ўзига хос шахмат мактаби, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда шахмат модасини яратадиган марказ эди. Бу ерда шахмат мусобақалари ўтказиш кундалик машғулот бўлиб қолганди, десак, муболаға эмас. Ўйинлар ҳақиқий спорт мусобақаларидаги партиялардан деярли қолишмасди.

Шуниси эътиборлики, бирорта факультетда шахмат ўйнамайдиган, унга қизиқмайдиган ёки у тўғрисида мулоҳаза юритмайдиган, унга боғлиқ тадбирларга аралашмайдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Мана шундай ўйинларда шахмат пайрови қизиб кетарди. Кўтаринки руҳ, кулги, яхши кайфият, бирдамлик, ишга бўлган иштиёқ, спортсеварлик, аския ва юморга ошуфталик бутун университет жамоасини қамраб оларди. Табиийки, бу қувноқ кайфият талабаларга ҳам кўчарди. Масалан, профессор Озод Шарафиддиновнинг университет раҳбарияти, деканлари ва профессор-ўқитувчилари билан олиб борган қалтис ўйинлари, такрорланмас шахмат комбинациялари ва албатта, шахмат билан боғлиқ ҳазил-мутойибалари ўша куннинг ўзида қанот ёзиб, спорт ихлосмандларининг қулоғига етиб борар, ҳатто эртаси куни матбуот саҳифаларидан жой оларди.

Ўзига хос мусобақа тусини олган ўйинлардан сўнг кўпчилик Озод Шарафиддинов билан ўтган партияларни таҳлил қилиб юрган. Ўзаро давраларда ким қайси юришда янглишгани, қаерда нотўғри комбинация танлагани келгуси ўйингача муҳокама қилинарди. Шу асnода, мусобақага янада жиддий тайёргарлик кўриларди. Айниқса, халқимиз суйган шоирлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, истеъдодли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ва университетнинг профессор-ўқитувчилари, беназир ва ардоқли устозлар Очил Тоғаев, Ирисtой Кўчкортоев, Жўра Мусаев, Азиз Қаюмов, Умарали Норматов, Бегали Қосимов, Сайди Умиров, Тўрабек Долимов, Азимбой Саъдуллаев, Анатолий Саъдуллаев, Раҳматилла Иноғомов, академик Саъди Сирожиддинов, Ёлқин Тўрақулов, Тўрабек Сирлибоев, Комилжон Муқимов, Неъматулла Ибрагимов, Тўғон Эрназаров, таникли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад иштирокидаги ўйинлар чоғида тарихий муҳорабалар, бадиий асарларнинг ёрқин сюжетлари катакка кўчиб, бамисоли ўтмиш жонланарди. Бу эса шу атрофда йиғилган ёшлар, айниқса, талабалар учун ўзига хос сабоқ, ёш шахматчилар учун маҳорат дарсига айланиб кетарди. Ижодкорларнинг моҳирона пайровлари ва халқона аскиялари авжига чиқиб, барчага олам-олам завқ-шавқ бағишлар эди.

Қизиғи, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг шахматга бағишланган “Шеър ва шахмат” шеъри ўша қизғин ва самимий кечган шахмат учрашувларида туғилган.

Шахмат Эркин Воҳидов учун шунчаки вақтни хуш ўтказиш ёки мияни озгина чалғитиш воситаси эмасди. Кейинчалик бир суҳбатда “Шахматни нима учун бу қадар яхши кўрасиз?” деб сўралганда шундай жавоб қилган эди: *“Мен шахматни фақат спорт ёки илм, ё санъат деб эмас, балки жуда катта тарбиячи деб ҳисоблайман. Шахмат, биринчи навбатда, инсондаги курашчанлик ва ғалабага ишонч руҳини тарбиялайди. Хатони кечирмайди. Шахматни инсон тафаккури яратган мўъжиза деб биламан. Шахмат менга кўп нарса берган. Аввало, ижодий ишда. Каттароқ бир асар ёзганда, таржима қилганда мия худди тоққа чиққан машинанинг моторидек қизиб кетади. Шунда на дам олиб бўлади, на кўзга уйқу келади. Ана шунақа вақтда бошни чалғитиш керак. Шунда менга шахмат ёрдам беради”.*

Шахмат Ўзбекистон Миллий университети ҳаётига шу қадар сингиб кетган эдики, ҳар бир воқеа-ҳодиса, албатта, шахмат тилида таърифланарди. Айтайлик, профессор-ўқитувчилар жамоасидан кимдир бир муваффақиятга эришса, унинг тафсилотларига мос ҳолда, Озод Шарафиддиновнинг “юришидан” бўлибди ёки Бегали Қосимовнинг “ҳимояси”ни қилибсиз, дейиларди. Ё бўлмаса, Эркин Воҳидовнинг “гамбити”, Абдулла Ориповнинг “моти”, Очил Тоғаевнинг “шоҳи” бўлибди, дея гапиришар, нозик топилмалар эса ҳангомаларга асос бўларди. Бундан ташқари, “сипоҳ шаънини сақлаб қолиш”, “тўраларча юриш”, “кечаги пиёда — бугунги фарзин” сингари ўлмас иборалар шахмат тахтаси атрофида туғилган. Қарангки, у бугунги кунгача тилдан-тилга ўтиб, яшаб келмоқда.

Озод домла ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар муҳитида шахмат турнирлари ташкилотчиси, илҳомчиси бўлган. Табиатан содда, оддий одам эди. Пахта йиғим-теримига чиққанимизда, жуда катта олим бўлишига қарамай, талабалар бағрида эрталабгача шахмат ўйнаб қолган ҳолатлар жуда кўп бўлган. Катта арбоб, йирик шеършунос, жасоратли, ўз вақтида ҳақиқатни айта олган, адабиётимиз виждони бўлган кишига шахмат кўрк бағишларди.

Ҳақиқатан ҳам, Озод Шарафиддинов шахматнинг чинакам фидойиси эди. У кишининг хонадонида бир уй тўла шахмат ҳақидаги китоб жамланган. Сабаби, шогирдлари ҳам, дўстлари ҳам қаердан бўлса-да, шахмат тўғрисида китоб олиб келиш ёзилмаган қонунга айланган эди-да! Ўйинлари эса бошқаларга ўхшамайдиган, чиройли юришларга бой бўларди. Бу эса ҳаммани шахмат тахтаси атрофига михлаб қўярди...



Сирожиддин ВОҲИДОВ ва Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

Университет ҳаётидан маълумки, шахмат нафақат ақлни чархлаш ва илмни бойитиш маёғи, балки ўзаро бирдамлик, жипслик ва аҳиллик рамзига ҳам айланган эди, десак, хато эмас. Сабаби, ушбу спорт турининг оммалашиши университет жамоаси ўртасида меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамланишига, педагогларнинг аҳил-иноқ бўлишига, ҳамкасбига ёрдам қўлини чўзиш, ўзгалар ҳолидан бохабар бўлиш каби чин инсоний фазилатлар ёйилишига, энг муҳими, университет аҳлининг жипслашиб, ягона мақсад сари интилишида муҳим роль ўйнади. Шу боис ўша пайтда илм-фан, таълим-тарбияда эришилган юксак натижалар, халқаро доирада қўлга киритилган муваффақиятлар шу ерда яратилган “шахмат мактаби”нинг бир меваси сифатида эътироф этилади. Кўпчилик педагоглар бугун ўша дамларнинг ширин хотираларини ўзгача ҳаяжон билан эслайди, қўмсайди.

Бинобарин, олий ўқув юрти остонасига қадам қўйган ёшлар, йигит-қизларга билим бериш баробарида, уларга “ЎзМУнинг шахмат мактаби” орқали ҳаёт илми ҳам ўргатилди, узоқни кўра билиш, таҳлил қилиш фазилатлари шакллантирилди.

Янги Ўзбекистонда шахмат ривожига қаратилаётган эътибор университетда шаклланган анъаналарни қайта тиклашга хизмат қиляпти.

## Ёш биолог-физиологларга илмий платформа

Бугунги кунда отахон таълим даргоҳида 33 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига биноан, фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилаётир. Индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда танқидий ва ижодий фикрлаш, таҳлил қилиш, қиёслаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув режалари ишлаб чиқиш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган. Ушбу жараёнда мустақил таълим соатлари улушини ошириш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш, талабалар билимини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, бунда холисликни таъминлаш, жумладан, баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шаклларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Бундай янгиланишлар самараси ўлароқ, биология факультетида “Янги Ўзбекистон ёш физиологлари мактаби” очилди.

Маълумки, физиология ҳаёт ҳақидаги фан бўлиб, тиббиёт ва ветеринариянинг асоси ҳисобланади. Шу маънода, инсоният саломатлиги ва келажаги учун бу фаннинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ узоқ йилларда у эътибордан четда қолиб кетди. Давлатимиз раҳбари томонидан илм-фан ва таълим ривожи йўлида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар туфайли юртимизда физиология фани қайта оёққа турмоқда. Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси қошида “Янги Ўзбекистон ёш физиологлари мактаби”нинг тузилгани бу борадаги ишларнинг дастлабкиси бўлди.

Ёш физиологлар мактаби олдига қўйилган асосий вазифа талаба ва ёш олимлар орасида физиология фанини кенг тарғиб қилиш, жаҳон физиологлари тажрибаларини чуқур ўрганишдан иборат. Шу билан бирга, бўлғуси мутахассисларни инновацион физиологик лабораториялар билан яқиндан таништириш, мустақил экспериментлар қилиш орқали юқори малакали, профессионал, бугунги замон талабига мос кадрларни тайёрлашга кўмаклашиш мақсад қилинган.

Ёш олимлар бошини қовуштираётган мазкур мактаб машғулотларида анъанавий усулдан имкон қадар қочилиб, инновацион усул ва технологиялардан фойдаланилгани қувонарлидир. Яъни очиқ дарслар ташкил этилиб, ўткир ва хроник экспериментлар, “in vivo” ва “in vitro” тажрибалари, кўргазмали жарроҳлик дарслари ўтказилади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда физиология соҳасидаги илмий тадқиқотларга илк бор Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Физиология кафедрасида асос солинган. Бугун университетда физиология илмини ривожлантириш, унинг нуфузини қайта тиклашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилялти.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан учинчи Ренессанс авлодини тарбиялаш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга замонавий билимларни ўргатиш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу жараёнда талаба-ёшларни илмий янгиликлар қилиш, ихтиролар яратишга рағбатлантириш, қисқача айтганда, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш йўлида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилиняпти. “Янги Ўзбекистон ёш физиологлари мактаби” бу борада муҳим илмий платформага айланмоқда.

Ёш олимлар ғоялари юзага чиқадиган мазкур мактабда жаҳон физиологлари тажрибалари чуқур ўрганилиб, бўлғуси мутахассислар инновацион физиологик лабораториялар билан яқиндан таништирилмоқда. Мустақил экспериментлар қилиш орқали юқори малакали, профессионал, бугунги замон талабига мос кадрларни тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилаётир. Чунки олдимизга ўзбек физиология ютуқларини дунёга олиб чиқишни бош мақсад қилиб қўйганмиз.

Кишини хурсанд қиладигани, яқинда Германиянинг нуфузли нашри ЎзМУда физиология соҳасида қилинган илмий янгиликлар, хорижнинг нуфузли нашрларида чоп этилган ушбу соҳага оид мақолаларни таҳлил қилиб, шулар асосида монография ёзиб бериш, уни нашриёт ўз ҳисобидан инглиз тилида чоп этиш таклифи билан чиқди. Бу — Ўзбекистон илм-фанига берилган юксак баҳо, яратилаётган инновациялар жаҳон миқёсида тан олинаётганидан далолатдир.

## Ўзимизнинг Ҳарвард

Кейинги йилларда ЎзМУ ҳаётида янги давр бошланди. Аввало, давлатимизнинг эътибори, қолаверса, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ташаббуси билан янги Ўзбекистонни бунёд этишга қодир янги замон кадрларини тайёрлаш йўлида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилялти. Айниқса, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, ёшларни ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар ечимига хизмат қиладиган илмий ишларга жалб этиш бўйича самарали тизим яратилмоқда. Бунинг учун халқаро алоқалар кенгайтирилиб, нуфузли хориж университетлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиб келинаётгани эътиборга моликдир. Масалан, мен узоқ йиллардан буён дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири бўлган АҚШдаги Ҳарвард университети билан ҳамкорлик қилиб, талабаларига физиология соҳаси бўйича илмий маъруза ўқиб келаман.

Биласизми, Ҳарвардни ўзимизнинг Ўзбекистон Миллий университетига ўхшатаман. Бунинг биринчи сабаби, у ҳам қадимий илм даргоҳларидан бири саналади. Массачусетс штатининг Кембриж шаҳрида жойлашган Ҳарвард университети дастлаб 1636 йилда коллеж сифатида ташкил этилган. XIX асрнинг биринчи чорагида эса университетга айлантирилади. Мазкур олий ўқув юртининг нуфузини, унинг АҚШ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини тасаввур қилиш учун айрим рақамларни келтириш кифоя. Эътибор қилинг, Ҳарвард университети битирувчиларидан 79 нафари Нобель мукофоти соҳиби бўлган. Бугунги кунда уларнинг 14 нафари шу университет талабаларига дарс беради. Дунёдаги миллиардер бойларнинг ярми унинг собиқ талабалари ҳисобланади. АҚШнинг 45 Президентидан 12 нафари шу олий ўқув юртини тамомлаган...

Ҳозирги кунда ЎзМУ нафақат АҚШ, балки Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Исроил, Россия каби бир қатор давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Зотан, ислоҳотларнинг янги даврида университет фаолиятида янги давр бошланиб, у сифат жиҳатдан бир неча поғона юқорилади. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев олий таълимни тубдан яхшилаш, таълим савиясини бугунги илғор дунёвий тажрибалар даражасига етказиш, аллома аждодларимиздан қолган илмий-маънавий мерос асосида янгилаш вазифасини тизим олдига муҳим вазифа сифатида қўйди. Натижада ўқув жараёнини ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаш, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш, касб малакасини ошириш, дунёда эътироф этилган янги илмий-педагогик усуллар, замонавий технологик воситалардан унумли фойдаланиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, **“Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди”.** Ўзбекистон Миллий университетини дунё тан олган илм-маърифат марказига айлантириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар замирида ҳам ана шу ҳаёт ҳақиқати мужассамдир.

**Бакриддин ЗАРИПОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори,**
**академик, «Университет ифтихори» эсдалик нишони соҳиби.**

# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР НАМОЙИШИ

*Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” марказий кўргазмалар мажмуасида “Ўзбекистон нефть ва гази – OGU 2023” 25-юбилей халқаро кўргазмаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 3-халқаро энергетика форуми ўз ишини бошлади.*

■ Энергетика

Уч кун давом этадиган ушбу нуфузли анжуманда 300 дан ортиқ хорижий компаниялар ва халқаро ташкилотлар қатнашмоқда. Халқаро қайта тикланадиган энергия агентлиги (IRENA), бу соҳада дунё брендлари ҳисобланувчи “Acwa power”, “Masdar”, “Cokar”, “Лукойл” компаниялари билан бирга жорий йилда 40 дан зиёд халқаро молиявий тузилмалар ва ташкилотлар делегациялари илк бор қатнашаётгани унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат беради.

— Юзма-юз мулоқотлар давомида мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини рақамлаштириш, “яшил” энергетика, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш, соҳа фаолиятини замонавий мезонлар асосида жадал ривожлантириш каби муҳим масалалар кенг муҳокама қилинмоқда, — дейди “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Беҳзод Усмонов. — Ўз навбатида, илк иш куни режасига кўра III Халқаро энергетика конференцияси ҳам ўтказилиб, унда саноатни ривожлантиришнинг долзарб масалалари батафсил ўрганилди. Ёш олимлар ва соҳа мутахассислари иштирокидаги семинарда эса нефть-газ соҳасида инновацион ғоялар муҳокамаси ва тақдимотлари ташкил этилди.

Шунингдек, республика энергетика соҳаси ходимлари ўртасида ёшлар марафони, “Заковат” интеллектуал ўйини ҳамда болалар ўртасида “Яшил иқтисодиёт ва қайта тикланадиган энергия манбалари” мавзуида фототанлов ҳам ўтказилди.

Анжуман доирасида Германия, Италия, Туркия, Канада, Жанубий Корея, Россия, Ҳиндистон сингари давлатларнинг миллий ва жамоавий стендлари ҳамда “Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг ривожланиш босқичлари” мавзуида кўргазма экспозицияси ҳам намойиш этилаётир.

— Бугун Канаданинг ўнга яқин компаниялари ғоятда самарали мулоқотларда қатнашиб, муқобил энергия қурилмаларини ўрнатиш, нефть ва газ тармоқларини модернизация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ўз хизматларини таклиф қилмоқда, — дейди Канада — Евроосиё саноат палатасининг ҳудудий директори Френк Кинс. — Янги технологиялар намойиши ва ўзаро тажриба алмашишда бу ерда яратилган ижобий муҳит бизга жуда ҳам манзур бўлди.



Халқаро кўргазма ва энергетика форуми бугун ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Акмал МУҲАМАДИЕВ олган сурат.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6